

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ  
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ..... 13

**3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 19

**4. АДILКАРИЕВА Феруза**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ ..... 26

**5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович**

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ  
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна**

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 36

**7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович**

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 42

**8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли**

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ..... 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

**9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li**

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR  
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ..... 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**10. ЮНУСОВ Ҳайдарали**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:  
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ ..... 61

**11. МАХАМАТОВ Махмуд**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ..... 69

**12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 74

**13. РАШИДОВА Комила Искандаровна**

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК  
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ ..... 81

|  |    |
|--|----|
| <b>14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович</b><br>ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ<br>НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....  | 87 |
| <b>15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович</b><br>МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ ....  | 91 |
| <b>16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна</b><br>ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ<br>ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ..... | 96 |

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

|  |     |
|--|-----|
| <b>17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович</b><br>ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....   | 102 |
| <b>18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна</b><br>ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН:<br>ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ .....                            | 107 |
| <b>19. ЮЛДАШЕВА Говхержан</b><br>САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ<br>ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ<br>ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... | 112 |

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**МАХАМАТОВ Махмуд**

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”  
кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХАМАТОВ М.** Европа Иттифоқи доирасида миграцияни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 69-73.

 6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақола Европа Иттифоқи доирасида миграцияни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмларига бағишланган бўлиб, ЕИ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ЕИ институтлари томонидан жорий қилинган механизмларнинг ишлаш тартиби таҳлил қилинган. ЕИ доирасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда сақланиб қолаётган муаммолар кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Европа Иттифоқи, директива, ҳуқуқий асос, механизм, мигрант, учинчи давлат.

**МАХАМАТОВ Махмуд**

Доцент кафедры Международного права и прав человека  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ МИГРАЦИИ В РАМКАХ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена правовым основам и механизмам регулирования миграции в рамках Европейского Союза, в ней анализируются документы, принятые в рамках ЕС, их положительные и отрицательные стороны, а также порядок работы механизмов, внедряемых институтами ЕС. Указаны реформы, проводимые внутри ЕС, и сохранившиеся проблемы.

**Ключевые слова:** Европейский Союз, директива, правовая основа, механизм, мигрант, третья страна.

**МАХАМАТОВ Махмуд**

Associate Professor of the Department of International Law and Human Rights of  
Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## LEGAL BASIS FOR REGULATION OF MIGRATION WITHIN THE EUROPEAN UNION

**ANNOTATION**

The article is devoted to the legal framework and mechanisms for regulating migration within the European Union, it analyzes the documents adopted by the EU, their positive and negative aspects, as well as the operation of the mechanisms implemented by the EU institutions. Reforms carried out within the EU and remaining problems are indicated.

**Keywords:** European Union, directive, legal framework, mechanism, migrant, third country.

Миграцияни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бу миграция институтининг узоқ вақтдан бери мавжудлигидан ҳам далолат беради. Миграциянинг мавжудлиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа қатор омиллар билан боғлиқ ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича “авваллари инсонлар унумдор ерларда қулай шароитда яшаш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчишган. Шунингдек инсонларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши буюк географик кашфиётлар даврида янги очилган ерларни ўзлаштириш зарурияти билан амалга оширилган” [8].

Бугунги кунда инсон ҳаётининг барча жабҳаларидаги глобаллашув жараёнлари миграцияга туртки бўлувчи омиллардандир. Ҳуқуқшунос К.Тюренкованинг қайд этишича “Ер юзининг турли минтақаларида кечаётган замонавий миграция жараёнларига глобаллашув ва минтақавий интеграция (хусусан, Европа интеграцияси) каби ҳодисалар кучли таъсир этмоқда” [11]. Ўз навбатида, Европа Иттифоқининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ички бозорни – ички чегараларсиз товарлар, шахслар, хизматлар ва капиталнинг ҳаракатланиш эркинлиги маконини яратиш ва фаолият кўрсатишидир [5].

Европа Иттифоқи миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос тизимига эга. Европа Иттифоқи доирасида бугунги кунда миграцияни тартибга солувчи кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда амалга ошириб келинмоқда. Европа Иттифоқида миграция сиёсатининг ҳуқуқий тартибга солиниши икки босқичда амалга оширилади: биринчиси Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатлар қонунчилиги, иккинчиси Европа Иттифоқининг норматив ҳужжатлари.

Қайд этиш лозимки, Европа Иттифоқида миграция масалаларининг тартибга солишда субсидиарлик принципи қўлланилади. Натижада бугунги кунга қадар Европа Иттифоқининг ягона миграция тизими вужудга келди. Бироқ, мазкур тизим доимий равишда ўзгаришларга ҳам учрамоқда [11].

Ҳозирги вақтда учинчи давлатлар фуқароларининг ҳаракатланиш эркинлигини тартибга солишнинг асосий манбаи Европа Иттифоқи фаолияти тўғрисидаги Лиссабон шартномаси (2007 й.) ҳисобланади. Шартномага кўра, эркинлик, хавфсизлик ва адолат маконини яратиш муҳимлиги Иттифоқ мақсадлари сифатида белгиланган (Европа Иттифоқи шартномасининг 3-моддаси 2-банди) [15].

Европа Иттифоқи доирасида қўлланиладиган қатор қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлиб, миграция билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишда муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, мигрантлар, талабалар, олимлар, юқори малакали мутахассислар оила аъзоларининг Иттифоқ ҳудудига кириш ҳуқуқи ва шартлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари шулар жумласидан. 2006 йилдан Шенген, 2011 йилдан Европа Иттифоқи виза кодекси амалда ҳисобланади.

Европа Иттифоқи директивалар қабул қилиш орқали аъзо-давлатлар ҳудудларида Европа Иттифоқи таркибига кирмайдиган мамлакатлар фуқароларининг эркин ҳаракатланиши ва яшаши учун ўзгаришлар киритмоқда. Директивалар тўғридан тўғри таъсир этиш имконига эга бўлмаган қонунчилик воситаси сифатида миллий қонунчилик орқали тадбиқ этилади [13]. Директивалар орқали нолегал иммигрантларнинг ватанга қайтиб келиши, шунингдек хорижий ишчи кучидан ноқонуний фойдаланаётган тадбиркорларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги қоидалар амалга оширилади [9]. Европа Иттифоқининг Кенгаши 2003 йил 25 ноябрда қабул қилинган 2003/109/ЕС директиваси узоқ муддатли асосда яшаётган учинчи давлатларнинг фуқаролари мақомига бағишланган. Унинг 14-моддасида Европа Иттифоқида узоқ муддатли асосда яшаётган шахслар куйидаги масалаларда Европа Иттифоқи фуқаролари билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишлари белгиланган: ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган ишга бўлган ҳуқуқда, меҳнат шароитларида; таълим олиш ҳуқуқи ва касбий таълим; касаллик вақтида ижтимоий нафақа ва суғурта ҳуқуқи; ижтимоий имтиёзларга бўлган ҳуқуқ; аъзо-давлат ҳудудига киришга бўлган ҳуқуқ ва бошқалар.

Шу ўринда меҳнат мигрантлар фаолиятида тадбиқ этилувчи Европа меҳнат ҳуқуқи ҳақида ҳам

сўз юритиш жоиз. Европа меҳнат ҳуқуқи нормалари, биринчи навбатда, ходимлар саломатлиги ва уларнинг иш хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солиди. Европа Иттифоқи Кенгаши раҳбарий кўрсатмалар, европа меҳнат ҳуқуқи соҳасида асосий нормалар – минимал талаблар қабул қилади. Уларга Европа Иттифоқининг барча аъзо-давлатлари томонидан риоя этилиши лозим. Мазкур стандартларнинг мақсади меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган тараққиётни таъминлашдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Европа стандартлари Европа Иттифоқига аъзо-давлатлар миллий қонунчилигини тўлдиради [3].

Европа меҳнат ҳуқуқи нормаларининг аксарият қисми директиваларда келтирилган. Масалан, Европа Иттифоқи Кенгашининг 1989 йил 12 июндаги 89/391/ЕЕС доиравий директивасида [2] минимал стандартлар келтирилган бўлиб, унга кўра агарда Европа Иттифоқига аъзо муайян давлатларда ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш даражаси юқори бўлса, уни камайтириш мумкин эмас. Директива иш берувчилар профилактик чоратадбирларни амалга ошириш, хатарларни баҳолаш ва уларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишнинг олдини олиш шарт бўлган меҳнат муҳофазаси соҳасида хавфга йўналтирилган ёндашувни назарда тутди. Европа Иттифоқи Кенгашининг директивалари кўпинча меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги муайян масалалар билан боғлиқ ҳисобланади.

Европа Иттифоқи Кенгашининг 2003 йил 22 сентябрда Оилани бирлаштириш ҳуқуқи тўғрисида 2003/86/ЕС директиваси қабул қилинди. Директивада шунингдек, ҳудудга қисқа муддатли ва узоқ муддатли ташриф буюриш шартлари ҳам келтириб ўтилган. 6-моддага мувофиқ, қисқа муддатли ташриф буюриш уч ойни ташкил этади ва ўз навбатида эркин ҳисобланади. Уч ойдан ортиб кетадиган бўлса узоқ муддатли ташриф буюриш ҳисобланади ва муайян шахслар тоифаси учун эркин ҳисобланади. Шахслар тоифаси ҳужжатнинг 7-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагилар киритилган: меҳнат-мигрантлар ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар; ўз эҳтиёжи ва тўлиқ тиббий суғуртаси учун етарли маблағга эга бўлган шахслар; профессионал таълим олаётган шахслар; юқорида келтирилган шахсларнинг оила аъзолари. Ҳужжатнинг 16-моддаси 1-бандига мувофиқ, Европа Иттифоқига аъзо қабул қилувчи давлат ҳудудида беш йил давомида қонуний яшаётган Европа Иттифоқи фуқаролари доимий яшовчи мақомини олади. Аммо мазкур қоидалар узоқ муддатли ташриф буюриш тартибига татбиқ этилмайди.

Мазкур ҳужжатларига мувофиқ, учинчи мамлакат фуқаролари мақоми максимал даражада Европа Иттифоқи фуқароси мақомига тенглаштирилади. Қайд этилаётган қоида қўлланилиши учун шахс Европа Иттифоқи ҳудудида қонуний яшаши, барча расмий талабларни бажариши ва яхши хулқ-атворда бўлиши лозим, ўз навбатида мазкур шахс миллий хавфсизликка таҳдид бўлмаслиги керак. Доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлиш учун учинчи мамлакат фуқаролари Европа Иттифоқи давлатида камида беш йил қонуний яшашларини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак [3].

Европа Иттифоқи институтларининг учинчи давлатлардан келган меҳнат мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан директиваларининг жозибадор қоидаларига қарамай, улардан фойдаланиш жуда ҳам осон эмас [2]. Ушбу ҳужжатларда миллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида учинчи давлатлар фуқароларининг қонуний яшашлари учун қўшимча ички қоидалар ва баъзи расмийликларга риоя қилишлари лозим бўлган қоидалар мавжуд бўлиб, бу кўп ҳолларда бошқа мамлакатлардан келган шахслар учун нормаларни бажарилишини қийинлаштиради.

Қайд этиш керакки, учинчи давлатлар фуқароларининг Европа Иттифоқи доирасидаги миграцияси асосан аъзо-давлатлар қонунчилиги доирасида тартибга солинади, яъни қисман Европа Иттифоқи даражасида келишиб олинган.

Мазкур йўналиш ҳалигача миллий қонунчилик таъсири остида бўлиб, Европа Иттифоқига аъзо-давлатлар доирасида турлича тартибга солинмоқда. Ушбу ҳолат Европа Иттифоқи ва аъзо-давлатларнинг учинчи мамлакатлар фуқароларига нисбатан муносабатларни тартибга солиш ваколатларида узилиш мавжудлигини кўрсатади [13].

Биринчиси, энг муҳими, аъзо-давлатлар учинчи давлатлар фуқароларининг ўз ҳудудларида ишга жойлашиши ва бандлигини тартибга солиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмоқда.

Иккинчидан, Европа Иттифоқидаги барча учинчи давлат фуқароларининг ҳуқуқларини қамраб олувчи ўзаро уйғунлаштирувчи Иттифоқ қонунчилиги ўрнига, Иттифоқ тармоқ ёндашувини танлади. У фақат Европа Иттифоқига аъзо давлатлар мақбул деб ҳисоблаган

учинчи давлат фуқароларининг тор ва “зарур” деб ҳисобланган тоифаларининг ҳуқуқларини тартибга солади. Европа Иттифоқи доирасида меҳнати тартибга солинадиган учинчи давлатлар фуқаролари тоифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: юқори малакали ишчилар (“Кўк карта тўғрисидаги директива”), талабалар ва тадқиқотчилар, мавсумий ишчилар, корхона таркибидаги юқори малакали таржимонлар, Европа Иттифоқи ва учинчи давлатларнинг қонуний яшаётган фуқароларининг оила аъзолари, аъзо-давлатлар ҳудудида қонуний яшаётган узоқ муддатли резидентлар ва учинчи давлатларнинг фуқаролари.

Тадқиқотчилар С.А.Ишанходжаев ва Ш.Н.Раҳмановнинг ҳақли қайд этишича, халқаро миграцияни тартибга солишда давлатлар сиёсати даражаси, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қабул қилувчи ва етказиб берувчи мамлакатлар манфаатлари ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Чет эл фуқаросининг янги жамиятдаги ўрни ва унинг бу ерда муваффақияти қабул қилувчи мамлакат фуқаролари даражасига тенг ёки мутаносиб ҳуқуқий мақомга эга бўлиш имконияти орқали белгиланади. Ушбу мақомни бериш қабул қилувчи давлатнинг мутлақ ваколатидир [16].

Дублин келишуви (2013 й.) Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бошпана бериш масалаларини тартибга солади. Унга кўра, бошпана берган давлатгина бошпана билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда асосий жавобгар ҳисобланади. Европа Иттифоқи аъзо-давлат ҳудудига келган бошпана сўраётган шахс бошпана ҳақидаги аризани юбориши лозим.

Европа Иттифоқи хавфсизлиги учун жиддий муаммолардан бири ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳисобланади. Х.А.Танделатнинг фикрига кўра, “миграция ўта ишончли ва ижобий ҳаракатларни талаб этувчи чорловга айланди” [10]. Ноқонуний иммиграциянинг манбаси сифатида фуқаролик урушлари, иқлим ўзгаришлари, қашшоқлик ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Ушбу таҳдидларни олдини олиш ва юмшатиш Европа Иттифоқининг миграция стратегиясида муҳим ўрин тутди [7].

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Европа Иттифоқи миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишда ҳамда ноқонуний миграциянинг олдини олишда ўзига хос тизимга эга. “Мамлакатга ноқонуний кириш, транзит ва у ерда бўлишга ёрдам берганлик учун тушунчаларни белгилаш тўғрисида”ги директива (2002 й.) ва “Мамлакатга ноқонуний кириш, транзит ва у ерда бўлишга ёрдам берганлик учун жазолаш мақсадида жиноят-ҳуқуқий стандартларни кучайтириш тўғрисида”ги доиравий келишувда (2002 й.) ноқонуний мигрантларнинг давлатга кириши ва у ерда бўлишига кўмаклашиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун чоралар назарда тутилган. Шу билан бирга Европа Иттифоқи давлатлари юқоридагилардан ташқари, ўз ҳуқуқий ечимини кутаётган қатор бошқа муаммоларга ҳам дуч келмоқдалар [14]. Хусусан, “мигрант” тушунчасининг ягона тарифи мавжуд эмаслиги, Европа Иттифоқи ҳудудида шахслар ҳаракатланишини назорат қилиш бўйича Иттифоқнинг етарлича ваколатларга эга эмаслиги, иммиграция хавфига қарши ягона механизмнинг мавжуд эмаслиги; мигрантларни мамлакат меҳнат шароитлари, маданияти, яшаш тарзига мослаштириш бўйича қонунчиликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Бошқа томондан, “исталмаган мигрантлар” ҳам халқаро, минтақавий ва ички қонунчилик билан ҳимояланган ва самарали суд ҳимоясига эга бўлган ҳуқуқ эгаларидир. Бундан ташқари, тегишли ҳуқуқий режимлар кўпинча ўзаро боғлиқ бўлиб, амалдаги нормалар ўртасида аниқ чалкашликларни ёки ҳатто рақобатни келтириб чиқаради [4]. Бошқача қилиб айтганда, ноаниқ, бир-бирига ўхшаш қоидалар тартибсиз миграцияни олдини олиш ўрнига, уни юзага келишига туртки бўлиши мумкин [1].

Лекин шундай бўлсада, Европа Иттифоқи миграция масалаларини тартибга солишда муайян ютуқларга эришди. Сўнги йилларда Европа Иттифоқида миграцияни ҳуқуқий тартибга солиш ва миграция сиёсати борасида олиб борилган ишлар ноқонуний миграция даражасини қисқартириш ва миграция инқирозини олдини олишга хизмат қилди. Европа Иттифоқи мигрантлар оила аъзолари, юқори малакали мутахассислар, талабаларнинг кириш ҳуқуқи ва шартлари тўғрисида қонунчилик; ноқонуний мигрантларни ватанига қайтариш тўғрисидаги директивалар; хорижий ишчи кучидан ноқонуний фойдаланаётган иш берувчилар учун жавобгарлик чоралари қабул қилинди [6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин. Миграцияни ҳуқуқий тартибга солиш борасида ислоҳотлар олиб борилганлигига қарамадан қатор муаммолар, хусусан ноқонуний миграция борасида ҳам камчиликлар сақланиб қолмоқда. Миграцияни янада самарали тартибга солиш учун Европа Иттифоқи аъзо давлатлар янги чора-тадбирлар, устувор қоидалар ишлаб чиқишлари лозим. Узоқ муддатли мақсадлар ва устувор йўналишларни белгилаб олишлари, миграция сиёсатини амалга оширишда янги



ёндошувларни шакллантиришлари лозим. Миграцияни ҳуқуқий тартибга солишда эса Европа Иттифоқининг шахсларнинг Иттифоқ ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишини назорат қилиш бўйича ваколатларини кенгайтириш, миграция натижасида юзага келадиган хавфларга жавоб бериш механизмини яратиш, миграцияга оид қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади. Мана шу каби масалаларнинг ўз вақтида ечимини топмаслик Европа Иттифоқи мамлакатлари учун иқтисодий ва ижтимоий хавфнинг сақланиб қолишига олиб келади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Franck Düvell, 'Paths to Irregularity: The Legal and Political Construction of Irregular Migration' (2011) 13 *European Journal of Migration and Law* 275.
2. Jurabek Rasulov. (2022). INTERNATIONAL LABOR MIGRATION: ANALYSIS OF INTERNATIONAL UNIVERSAL AND REGIONAL TREATIES. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 4(08), 84–89. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume04Issue08-13>.
3. Makhamatov, M. (2022). Features of the labor law of the european union. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 4(01), 80-85.
4. Moreno-Lax V., Vavoula N. The (Many) Rules and Roles of Law in the Regulation of “Unwanted Migration” // *International Community Law Review* 24 (2022) 285–291.
5. Егорова Е.Н. Правовые аспекты регулирования трудовой миграции граждан из третьих стран на территории Европейского союза // *Миграционное право*. №2, 2017. – С. 23.
6. Есенова Д.А. Проблемы правового регулирования миграции в Европейском Союзе на современном этапе // *Юрид. факт*. №2, 2018. – С. 33.
7. Михайленко В.И. Проблемы управления миграционными процессами в Европейском Союзе // *Известия Уральского федерального университета*. №3, 2016. – С. 130.
8. Новикова И.Д. Международно-правовое регулирование незаконной миграции в рамках Европейского Союза // *Science Time*. №5, 2018. – С. 36.
9. Потемкина О.Ю. Иммиграционная политика Европейского Союза: проблемы и перспективы. – М., 2010. – С. 18.
10. Танделат Х.А. Миграционный кризис в Европе: проблемы и перспективы урегулирования // *Государственное и муниципальное управление*. 2017. №4. – С. 274.
11. Тюренкова К.А., Муравьева К.А. Тенденции регулирования миграционных процессов в Европейском Союзе: политико-правовой аспект. // *Гуманитарные исследования*. №1, 2017. – С. 111.
12. Доклад о миграции в мире. Международная организация по миграции. Женева, 2020. – С. 550.
13. Iris Goldner Lang. The European Union and migration: an interplay of national, regional, and international law. Symposium on framing global migration law – part III. 2018. – P. 509-513.
14. Yavuz K. Opportunities and challenges of international migration for sending and receiving countries. <https://www.mfa.gov.tr/opportunities-and-challenges-of-international-migration-for-sending-and-receiving-countries.tr.mfa>
15. Договор о Европейском Союзе (новая редакция) <https://eulaw.ru/treaties/teu/>
16. Ишанходжаев, Саидахмад Акрамович, Рахманов, Шухрат Наимович ГЕРМАНИЯДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ // *ORIENSS*. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/germaniyada-migratsiya-zharayonini-bosh-arishning-ziga-hos-zhi-atlari> (дата обращения: 29.12.2022)